

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 237-ҳадис

237 - وَعَنْهَا رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: تَهَاوَمُ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنِ الْوَصَالِ رَحْمَةً لَهُمْ،

فَقَالُوا: إِنَّكَ تُوَاصِلُ؟ قَالَ: «إِنِّي لَسْتُ كَهَيْئَتِكُمْ، إِنِّي يُطْعِمُنِي رَبِّي وَيَسْقِينِي». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ.

وَمَعْنَاهُ: يَجْعَلُ فِيَّ قُوَّةً مِّنْ أَكْلِ وَشَرِبٍ.

237. У кишидан ривоят қилинади:

«Набий Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга (саҳобаларга) раҳм қилиб, узлуксиз рўза тутишдан қайтардилар. Шунда улар: «Ўзингиз узлуксиз рўза тутасиз-ку», дейишди. У зот: «**Мен сизларнинг ҳолатингиздагидек эмасман. Мени Роббим едириб-ичиради**», дедилар».

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Ифторлик қилмасдан узлуксиз рўза тутиш қораланган. Бунга кўпгина ҳадислар далолат қилади.

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади.

Расулуллоҳ с.а.в.: «**Кимки узлуксиз рўза тутса, умуман рўза тутмабди**», деганлар.

Имом Бухорий ва Муслим ривояти.

Абдуллоҳ ибн Йёз ривоят қилади: «Башир ибн Ҳасосийнинг хотини Лайло ҳикоя қилганини эшитдим: «Кунларнинг бирида мен икки кун кетма-кет

рўза тутгим келди ва Башир менга бундай қилишни ман қилиб: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бундан қайтарар ва: **«Насоролар шундай қиладилар. Сиз эса Аллоҳ сизга буюрганидек рўза тутинглар: «Сўнгра кечгача рўзани бенуқсон қилиб тутинглар!»** (Бақара сураси, 187-оят). **Қачонки кеча бўлганида рўза тутманглар**», деб айтганлар», деди.

Бироқ кимдир шундай рўза тутишни истаса ва ўзида бунга куч хис қилса, бундай ҳолда у суткада ҳеч бўлмаса бир маротаба субҳдан олдин ифторлик қилсин.

Абу Саид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деганларини эшитган эканлар: **«Узлуксиз рўза тутманглар. Кимки шундай қилишни истаса, кейинги куннинг субҳидан аввал ифторлик қилсин»**

Имом Бухорий ривояти.

Манба: hadis.islom.uz

